



Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан ЎзХДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари изчил иш олиб бориши, бу борадаги позициясини маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссия ва сессияларда қатъий ҳимоя қилиши зарур.

«Энг муқаддас бойлигимиз — Истиқлолимиз!» танловига

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: ИСЛОҲОТЛАР ЮРТ ОБОДЛИГИГА,

аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда



Хар бир юртининг иқтисодий қувватига баҳо беришда, энг аввало, шу заминда яшовчи халқнинг турмуш фаровонлиги даражаси ҳисобга олинади. Инсон манфаати устувор саналган, тинчлик-осойишталик ҳукм сурган жойдагина тараққиёт бўлади, турмуш фаровонлашиб бораверади.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

22 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси очилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисини ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат кўмиталарининг раислари кўмиталарнинг мажлислари ўтказилганлиги тўғрисида ва ўн иккинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан ҳушасалар, бошқа масалалар юзасидан қарорлар лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида 8 та масала, шу жумладан, 4 та қонун кўриб чиқилиши мўлжалланмоқда.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган «Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатилган ҳалокатли таъсирни бартараф этиш чоралари тўғрисида»ги масаланинг ва сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил

ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кон-

цепциясини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Булар «Гаров реестри тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарилган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

ЎзХДП ташаббуси билан

Байрамни муносиб кутиб оламиз!

Айни кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб кутиб олиш учун катта ҳозирлик кўрилмоқда. Айниқса, ободончилик ишлари авж олган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этапти. Кун кеча партия Марказий Кенгаши Тошкент шаҳар кенгаши билан пойтахтимиздаги Ботаника боғида ҳашар ўтказди.

Унда Марказий Кенгаш ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгаши фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, бошланғич ташкилотлар етакчилари қатнашди.

Салоҳиддин АХМАДАЛИЕВ, Сергели туман партия кенгаши раиси ўринбосари:

— Қайси соҳада меҳнат қилишимиздан қатъи назар юр-

тимиз ободлиги, саранжом-саришталиги учун ҳар биримиз масъулмиз. Шундай экан, бугунги кунда партия ташкилотларининг етакчилари, фаоллари, аъзоларимиз ҳам энг улғу, энг азиз байрамни муносиб кутиб олишга тайёргарлик ишларига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бугунги ҳашарда биз Тошкент касб-ҳунарга ўқитиш мар-

кази талабалари билан биргаликда қатнашамиз.

Бобокул ТУХТАЕВ, Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимлик ва ҳайвонот олами генафонди институти директори, биология фанлари доктори:

— Институтимиз қошидаги Тошкент Ботаника боғи дунёдаги 100 та энг сара боғлар сирасига киради. Унда табиий шароитда ўсаядиган ўсимликлар дунёси ҳар томонлама ўрганилиб, муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўсимликлар интродукцияси ва биотехнологиясига оид муаммолар устида тадқиқот ишлари олиб борилади.

Боғнинг майдони 68 гектар бўлиб, тўрт ярим минг тур ўсимлик мавжуд. Шундан 43 гектарини ўзга худудлардан

келтирилган ўсимликлар ташкил қилади.

Бу ўсимликлар Осиё ва Европа мамлакатлари, Кавказ, Узоқ Шарқ ўлкалари, Шимолий Америка, Хитой ва Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатлардан келтирилган. Интродукция қилинган ўсимликлар орасида манзарали ва мевали дарахтлар, хилма-хил резавор мевали буталар, шифобахш гиёҳлар бор.

Айни пайтда боғимизда реконструкция ишлари кетаяпти. Мустақиллик байрами арафасида партия фаолларининг бу ерда ҳашар уюштириб, ободонлаштириш ишларида қатнашаётгани ЎзХДПнинг ижтимоий ҳаётда ҳам фаол иштирок этаётганини кўрсатади.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига

Ижодга ундаётган улуғ қадрият

Аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, биздек бахтиёр авлодга насиб этган мустақиллик, унинг бебаҳо неъматлари, улкан имкониятлари ижод аҳли учун бебаҳо илҳом манбаидир.



КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда истиқлол йилларида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, жисмоний имконияти чекланган кишиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар, бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тутган ўрни хусусида сўз борди.

Тадбир тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларида танишасиз.

2013 йил — Обод турмуш йили

Коммунал инфратузилма яхшиланиб, аҳоли фаровонлиги ошмоқда

Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳаси жамоатчилик диққат марказида бўлиб, давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида коммунал инфратузилмани модернизация қилиш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 29 апрелдаги Тошкент шаҳрининг коммунал хўжалик ва санитария аҳоли тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги протокол қарори тасдиқланди. Мазкур ҳужжатда профессионал бошқарув компанияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, турар-жой даҳалари худудини ободонлаштиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини янада яхшилаш ва такомиллаштириш, уй-жой соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш кўзда тутилган.

⇒ 4

«Бугунги ёшларга ҳавасим келади!..»



3

«Энг муқаддас бойлигимиз — Истиқлолимиз!» танловига

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:

ИСЛОҲОТЛАР ЮРТ ОБОДЛИГИГА,

аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда

ВИЛОЯТНИНГ
САНОАТ САЛОҲИЯТИ
ЮКСАЛМОҚДА

Бугун Тошкент вилоятида бўлиб, туман ва шаҳарларни кезсангиз, катта ўзгариш ва янгиланишларни кўрасиз, кенг қўламли бунёдкорликлардан кўзингиз қунайд.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида вилоят ҳар томонлама тараққий этмоқда. Айниқса, иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлиши санат соҳаси изчил ривожланиб келди. Бугунги кунда вилоятнинг мамлакат санатидеги улуши 33,5 фоизни ташкил этиши ҳам фикримизни тасдиқлайди. Умуман, мамлакатимиз бўйича яратилган янги ички маҳсулотнинг 9,6 фоизи, санат маҳсулотларининг 12,4 фоизи, хизматларнинг 9,4 фоизи пойтахт вилояти ҳиссасига тўғри келади. Тошкент вилоятида ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё ва нефть-кимё, қурилиш индустрияси, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича йirik қорхоналар фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ХДПнинг вилоятдаги барча ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ҳамда 30 минг нафардан ортиқ аъзоси вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишларида қатнашмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 105,8, санат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 106,3, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 114, қишлоқ ҳўжалик янги маҳсулоти 106,8, пуллик хизматлар ҳажми 113,2 фоизга ўсишида ҳам уларнинг муносиб ҳиссаси бор.

— Вилоятимизнинг санат соҳасида эришялган ютуқларини бизнинг комбинатимиз мисолида аёққол кўриш мумкин, — дейди «Ўзбекистон металлур-

гия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси пўлат эритувчиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Олим Тўйчиев. — Модернизация натижасида комбинатимизда 68-120 миллиметрли пўлат золдлар ишлаб чиқариш 160 минг тоннага кўпайди. Бу республикамиз кончилиги ҳамда цемент санатининг ушбу маҳсулотга эҳтиёжини қоплаш имконини беради.

2013 йилнинг биринчи ярмида комбинатимизда 88604 миллион сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу прогноз кўрсаткичга нисбатан 121,9 фоизни ташкил этди. Умуман, барча кўрсаткичлар бўйича комбинатимизда ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда. Шунингдек, бу ерда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Бу борада алоҳида дастур асосида жорий йилнинг олти ойи давомида 16 та, шу жумладан қасаначилик асосида 12 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Қанчалик фидокорона меҳнат қилсак, мамлакатимиз тараққийига шунчалик кўп ҳисса қўйишимизни яхши биламиз. Комбинатимизда ишлаб, юртимиз санати салохиятини оширишга улушини қўшиб келаялган ходимларнинг 334 нафари партия-миз аъзолари. Уларни бирлаштирган бошланғич ташкилот партия голяларини тарғиб этиш билан бирга, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тушунириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш каби долзарб масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

ЭЛЕКТОРАТ
МАНФААТИ ЙЎЛИДА

— Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлани-

шидан аввало бизнинг партиямиз электорати ҳисобланган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами катта манфаатдордир, — дейди Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Сирохиддин Аъзамов. — Бу борада устувор йўналишлардан



бири санат соҳасини ривожлантиришдир. Чунки бу тармоқда яратилган иш ўринлари бошқа соҳаларга қараганда барқарор бўлади ҳамда нисбатан юқори ҳақ тўланади. Кейинги йилларда мамлакатимиз, шу жумладан Тошкент вилоятининг санат, ишлаб чиқариш салохиятини янада оширишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда депутатлик гуруҳлари ҳам бу ишларга ўз ҳиссасини қўшмоқда, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган тақдирлари, ташаббусларини илгари сурмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг «2011-2013 йилларда санат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Қарор асосида ишлаб чиқилган Маҳаллийлаштириш дастурида жорий йилда вилоятдаги 21 та қорхона 60 та лойиҳа бўйича 186,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши режалаштирилган. Бу йўналишда муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга айрим муаммо ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам кўзга ташланди. Масалан, баъзи ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур эҳ-

тиёт қисмлар ўз вақтида етказилмаётгани, айрим вазирилик ва идоралар томонидан фаолият тури учун тегишли лицензия берилмаслиги сабабли баъзи қорхоналарда режадаги ишлар охирига етмай қоляпти. 2012 йил 27 ноябрда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ҳамда Санат, қурилиш, транспорт, коммунал ҳўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси қўшма йиғилишида бу масала атрафлича кўриб чиқилиб, уни сессия муҳокамасига олиб чиқиш ҳақида тақлиф киритилди.

Шунингдек, партия Сайловолди дастури, 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида депутатлик гуруҳлари томонидан ўтган йили ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, электротармоқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор масалалар ўрганилиб, 7 та масала вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари, 3

лик 17 та, доимий комиссиялар йиғилишларида 39 та масала муҳокама этилди.

Хусусан, шу йил май ойида ўтказилган вилоят Кенгашининг 26-сессиясида «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бажарилишининг бориши ҳақида»ги масала муҳокама қилинди. Сессия қабул қилган қарорга кўра, маиший чиқиндиларни хатловдан ўтказиш, чиқиндиҳоналарни давлат кадастр хизмати томонидан рўйхатга олиш, уларни қуриш ва таъмирлаш, махсус транспортларни ювиш учун шароит яратиш, компослаш ва зарарсизлантириш ишларини ташкил қилиш масалалари юзасидан қатор вазифалар белгиланди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, биз кўтараялган масалалар нафақат партияимизнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш, балки вилоятни ҳар ҳаётдан тараққий эттириш, ҳудудларни обод қилиш, жойларда ижтимоий ва иқтисодий инфратуризмни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир...

мат кўрсатиш, савдо, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этган кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари сафи кенгаймоқда.

2013 йил январ-июнь ойларида барча турдаги ҳўжаликларда 1559,1 миллиард сўмлик қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизни ташкил этди.

— Жаннатмонанд, тинч ва осойишта юртда яшаймиз, — дейди Бўқа туманидаги «Ўқутхон-Сайид» фермер ҳўжалиги раҳбари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Сайидуллоев. — Меҳнат қилиб кам бўлмадик. Мана, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини олиб кўринг. Авваллари бугдой юртимизга не-не машаққатлар билан катта маблағ эвазига четдан олиб келинарди. Оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистон ғалла билан ўзини ўзи тўлиқ таъминлайдиган давлатга айланди. Ҳар бир ҳудудда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш салмоғи ортмоқда. Бу катта ютуқ, албатта.

Жорий йилда кўп тармоқли фермер сифатида янги барпо этилган боғда етиштирилган меваларни шу жойнинг ўзида қайта ишлаш учун ускуналар ўрнатиб, кичик қорхонани ишга туширишни режалаштирғанимиз...

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ
ТАШАББУСЛАРНИ
ҚўЛЛАБ-
ҚУВВATЛАМОҚДА

Шуни ҳам айтиш керакки, вилоят иқтисодий салоҳияти юксалишида, ўз ишини йўлга қўйиш ташаббуслари кўпайишида, барқарор янги иш ўринлари яратилишида тижорат банклар томонидан ажратилган кредит маблағлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоят бўйича тижорат банклари томонидан барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 523,8 миллиард

ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ
РИВОЖЛАНМОҚДА

Ҳақиқатан ҳам кейинги вақтда вилоятда қишлоқ ҳўжалиги тармоғи жадал ривожланиб бораляпти. Ҳудудда ҳозирги вақтда 6 минг 100



Жорий йилнинг ўтган даврида ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сессияларида аҳоли бандлиги даражасини ошириш, соғлиқни сақлаш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғ-

дан зиёд фермер ҳўжалиги фаолият юритмоқда. Ўтган йили улар томонидан қарийб 588 минг тонна ғалла, 241 минг тонна пахта хирмони бунёд этилди. Кейинги йилларда вилоятда нафақат пахтачилик ва ғаллачилик, балки сабзавотчилик, узумчилик, қорвачилик ҳамда бошқа соҳаларда ҳам самарали фаолият юритаётган, хиз-

сўмлик кредит маблағлари ажратилган.

Партияимиз Марказий Кенгаши ташаббуси асосида ЎзХДП вилоят кенгаши, Марказий банк вилоят бош бошқармаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган иқтисодий-ижтимоий анжуманлар ҳудудларда ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, пировардида аҳоли



фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур иқтисодий анжуманлар партия дастурий мақсадларида кўзда тутилган вазифаларни амалга татиқ этишга ёрдам бераляпти. Хусусан, шу тадбир орқали 100 нафарга яқин электротаримиз вакили банкдан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлди. Бунинг натижасида жойларда 200 дан ортиқ иш ўрни очилди. Масалан, Бўқа туманидан Феруза Ризқулова тижорат банкдан кредит олиб, тикувчилик ательеси ташкил этди. Уйда ўтирган 15 нафар аёл ишга жойлашиб, турли хил чойшаблар, аёллар либослари ишлаб чиқармоқда.

АҲОЛИ
САЛОМАТИГИ ЭНГ
КАТТА БОЙЛИҚДИР

Вилоятда аҳоли саломатлигини асраш ишларига энг устувор ижтимоий масала сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда вилоятнинг 2,6 миллиондан ортиқ аҳолига жами 559 та тиббиёт муассасаси хизмат кўрсаталяпти. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида Янгийўл, Бекобод, Бўқа, Чиноз, Пискент ва Ўрта Чирчиқ туманларида «Соғломлаштириш ҳафталиклари» ўтказилди. Бу ҳафталикда 19 минг 187 нафар фертил ёшдаги аёллар, шунингдек, болалар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Вилоятда истиқомат қилаётган 2200 нафардан ортиқ ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар жорий йилда малакали тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан 552 нафаридан касаллик аниқланиб, 171 нафари амбулатор, 28 нафари шифохона, 353 нафари ўй шароитида даволанган.

Ўзбекистон ХДПнинг вилоятдаги 30288 нафар аъзосидан 2265 нафари ҳам айнан тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

— Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган сарф-харакатлар бугун ўз самарасини бермоқда, — дейди Охангарон шаҳар оилавий поликлиникаси мудири, халқ депутатлари Охангарон туман Кенгаши депутати Нурия Турсунова. — Энг чекка туманларда яшовчи аҳолига ҳам бугун малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар буён тиббиёт соҳасида ишлайман. Бундан 20 йил аввалги тиббиёт масканларини кўз олдингизга келтиринг-а? Аҳолининг саломатлигини тиклаш учун шароит йўқ, тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар етишмасди. Беморлар даволаниш учун

10-15 кун аввал келиб рўйхатдан ўтиб кетарди. Битта хонага 10-15 нафар бемор ётиб даволанарди.

Ҳозир ўзим фаолият кўрсатаётган оилавий поликлиникада 12 минг нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун шарт-шароит етарли. Туманимиз аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашда партияимиз аъзолари бўлган тиббиёт ходимлари ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда. Оилавий поликлиникада ташкил этилган бошланғич партия ташкилотидан 20 нафар ХДП аъзоси бор. Уларнинг ҳар бири аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида самарали меҳнат қилиш билан бирга, партияимиз голялари тарғибига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

ҚИШЛОҚ УЙЛАРИ —
ХАЛҚИМИЗГА
ҒАМҲЎРЛИКНИНГ
ЮКСАК НАМУНАСИ

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қишлоқларда бунёдкорлик ишларини янги босқичга олиб чиқди. Тошкент вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 2009-2012 йилларда 69 та ҳудудда 2535 та уй-жой қурилди. Жорий йилда намунавий лойиҳалар асосида 1081 та якка тартибдаги уй-жой қуриб қозилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, 2012 йилда қишлоқ аҳолиси қўлай ва муносиб яшаш учун зарур бўлган 28 та инфратузилма объекти барпо этилди. Шу кунларда яна 4 та инфратузилма объекти қурилиши якунланмоқда.

— Мен оддий ўқитувчиман, — дейди Паркент туманидан Хусниддин Муҳиддинов. — Яратилган имкониятдан фойдаланиб, намунавий лойиҳалар асосидаги уйлاردан биттасини олдим. Бундай жойда одам ўзини бошқача ҳис этар экан. Дунёқараш, фикрлаш ҳам ўзгарган. Ҳаётга келиб муносиб турмуш кечирिशга ҳақли эканини тушуниб бораркансан киши.

Ўз ҳаётим мисолида қўраяманки, қишлоқларда замонавий уй-жойларнинг қурилиши халқимизга кўрсатилаялган юксак ғамхўрликнинг бир намунасидир...

Бугун вилоятнинг қай бир ҳудудига борманг, янги лойиҳалар асосида бораётган қизгин ишларнинг устидан чиқасиз. Инсон манфаатини кўзлаб олиб борилаётган бу ўзгариш ва янгиланишларда ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда.

Меҳрож ДАРҲОНОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)



«Энг муқаддас бойлигимиз — Истиқлолимиз!» танловига

«Бугунги ёшларга ҳавасим келади!..»

Жиззах давлат педагогика институтини қошидаги 2-академик лицей директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров бу сўзларни ғурурланиб айтди.

Болалигим Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. Қаҳатчилик даври эди. Қорнимиз нонга тўямасди, устимиз оҳорли кийим кўрмасди. Биз ўқиган мактабларни ҳозир мактаб дейишга ҳам тил айландимайди. Лойсувоқ томли, пастқам, зах, кўримсиз кулбаларда амал-тақал қилиб ўқиганмиз.

Энди-чи? Бир-биридан мухташам, кўркам мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейларни кўриб кўз кувнайди, дил яйрайди. Замоनावий ўқув қуроллари, инновацион технологияларни айтмайсизми? Уша пайтларда кимдир келажакда таълим даргоҳларида ҳозиргидек спорт заллари, фан кабинетлари, ахборот-ресурс марказлари, интернет тармоғига уланган компьютер синфлар бўлишини гапирса, эртаси бўлиб туюларди. Биз болаларимизда буларни ҳатто орзу қилишимиз ҳам мумкин эмасди.

Қаҳрамоннинг юракдан чиқариб айтган сўзларини тинглаётган, ҳаёлимга кечати кун, юртимиз Истиқлолга эришиш арафасидаги аҳолимиз келади. Қандай оғир, таҳликали кунлар эди. Ҳар қадамда йиллар давомида тўпланиб қолган жиддий муаммолар, ижтимоий адолатсизлик... Озик-овқат дўконлари олдида ун, нон, ёғ, шакар учун навбатда туришлар...

Мустақилликнинг дастлабки ойлари, йиллари янада таҳликали, мураккаб воқеалар билан тўлиб-тошган эди. Ёчимини кутаётган масалалар кўп эди. Ана шундай оғир бир шароитда таълим соҳасига биринчи вазифа сифатида қаралди. Президентимиз ташаббуси билан баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган қатор қонуний

асослар, дастурлар қабул қилинди. Бундан ўн олти йил муқаддам қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг давомига айланган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳамда болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ улкан, қўёси йўқ сазой-ҳаракатларни келтириш мумкин. Натижада, тарихан қисқа муддат ичида биргина Жиззах вилоятида 550 дан зиёд умумтаълим мактаби, 79 та касб-хунар коллежи ва академик лицейлар учун янги, мухташам бинолар қурилди, эскилари мукамал таъмирдан чиқарилди, кўплаб спорт иншоотлари, болалар мусика ва санъат мактаблари барпо этилди.

...1995 йил. Устоз Марат Зокиров Жиззах туманидаги Иқтидорли болалар лицей-мактабига директор этиб тайинланди. Бу пайтда лицейга ажратилган бино анчайин эскириб, деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган, шарт-шароитлар ҳам шунга яраша эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 августдаги қарорига асосан ушбу мактаб негизига Жиззах давлат педагогика институтини қошидаги академик лицей ташкил этилди ва икки йилдан сўнг лицей барча қулайликларга эга янги, замонавий бинода фаолият кўрсата бошлади. Айни пайтда ушбу таълим даргоҳида 1086 нафар ўқувчи тўрт йўналиш



бўйича тахсил олади. Уларга 5 нафар профессор, 5 нафар фан номзоди, 27 нафар олий тоифали, жами 64 нафар ўқитувчи сабоқ берапти. 21 та фан кабинети, 3 та компьютер ва 4 та лингафон хоналари, спорт зали, ахборот-ресурс маркази, 12 та фан ва 7 та спорт тўғралаклар мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Бундан бир ойча муқаддам чойхонада гурунглашиб ўтирган икки нурунийнинг суҳбатига гувоҳ бўлиб қолдим. Улар газетда эълон қилинган бир хабар — 2-академик лицей ўқувчиси Бахтижон Исроиловага Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилгани ҳақидаги мақолани муҳокама қилишаётган экан.

— Отасига раҳмат, қишлоқдан чиққан шу қиз Давлат мукофотини олибди-я, — деди улардан бири. — Инглизчани сувдай биларкан. Ўзбекчадан инглизчага, инглизчадан ўзбекчага таржима қилганига нима дейсан?

— Биласанми, у Марат Зокировнинг лицейида ўқийди-да, — ҳамсухбатининг гапини қувватлади иккинчиси.

— Ажаб замоналар келди-да. Болаларимизнинг шундай билим олишлари учун яратилган шароитларни кўриб ҳайрат-

ланмай иложинг йўқ.

— Энди бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, оғайни. Болалигимиз кетмон чопиш, пахта териш билан ўтиб кетибди-да.

— Кўп куйинаверма, биродар. Мен бир ният қилдим. Кел, иккаламиз ҳам невараларимизни шу лицейда ўқитайлик...

Дарвоқе, ўтган йиллар ичида лицей ўқувчилари орасидан етти нафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари етишиб чиқди. Улар бугун ўзимиздаги ва хориждаги энг нуфузли олий ўқув юртиларида тахсилни давом эттиришапти, мамлакат халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилиб, янгиликлар яратишмоқда. Ва яна, лицейнинг 4 нафар иқтидорли ўқувчиси «Келажак овози» мегатанловининг республика босқичи ғолиблари бўлишди. Ўнлаб ўқувчилар мамлакат ва халқаро спорт мусобақаларида шохсупанинг энг юқори поғоналаридан жой эгаллашди.

2009 йилда лицей битирувчиларининг 36 фоизи олий таълим даргоҳларига ўқишга қабул қилинган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 53 фоизни, ўтган йили эса 58 фо-

изни ташкил этди.

— Бизда яхши бир анъана бор, — дейди директорнинг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосари Мукамал Зокирова. — Ҳар йили лицей битирувчилари уч йил давомида ўзлари учун сеvimли ва кадрли бўлиб қолган даргоҳ ҳовлиси-ю, боғига бир тупдан дархат ниҳоли ҳамда гул кўчати экишади. Ҳозир боғимизда 3,5 минг тупдан кўпроқ анвойи гуллар ва турфа хил дов-дархатлар яшнаб турибди.

Шунда сиз Истиқлол неъматлари — ўзингиз орзу қилган замонавий таълим даргоҳини кўриш ва ўзбек деган улуг миллиннинг номига муносиб бўлишга ҳаракат қилаётган иқтидорли, қобилиятли ёшлар билан мулоқот қилиш баробарида боғу рогларга, гулу гулзорларга борканган гузал таълим муассасаси билан яқиндан танишасиз. Эҳтимол, шунда ўзингиз ҳам Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров сингари «Бугунги ёшларга ҳавасим келади», деган иборани беихтиёр айтиб юборганингизни билмай қоларсиз.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



Хориж

Шартномалар тақиқлови учун

хукуматни судга берди

Буюк Британиянинг нефть қазиб олиш билан шуғулланувчи йирик «BP» корпорацияси АҚШ хукуматини федерал шартномалар тузишга тақиқлов жорий этгани учун судга берди.



Гап шундаки, «Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, 2010 йили корпорациянинг Мексика кўрфазидagi нефть қазиш платформасида ёнгин чиққанлиги ва денгиз соҳиллари нефть доғларидан зарар кўргани боис умумий ҳисобда 42 миллиард доллар миқдорда зарарга учирган. Корпорациянинг 21 та бўлими федерал шартномалар тузиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Корпорация маъмуриятининг фикрича, ҳақиқатан ҳам ҳалокатга Мексика кўрфазидagi платформа сабаб бўлган ва бунинг учун жарима тўланган. Лекин қолган бўлимлар айби бўлмаса-да шартнома тузиш ҳуқуқидан асоссиз маҳрум қилинган. Уша тақиқлов ҳануз амалда қўлланилмоқда. Шу тақиқлов боис корпорация жуда катта миқдорда зарар кўрмоқда.

Эслатиб ўтамиз: 2010 йил апрелда «BP» корпорациясининг Мексика кўрфазидagi «Deepwater Horizon» нефть платформасида юз берган фоҳиа туфайли 11 киши ҳаётдан бевақт кўз юмган. Денгиз остидаги нефть қудугидан нефть сизиб чиқишини 4 ойдан кейин тўхтатишга эришилган. Шу 4 ой давомида 4,9 миллион баррелга тенг нефть Мексика кўрфазига оққан.

Чекишга қарши бўлган

йигирма тўққизинчи мамлакат

Марказий Америка давлатларидан бўлиш Гондурас чекишга қарши энг қатъий қонун қабул қилди.

Мазкур қонунга кўра, дейилади «Мир новостей» газетасида чоп этилган ахборотда, жамоат жойларида, яъни барча таълим муассасаларида, шифоналарда, маданият ва санъат масканларида, ресторан ва барларда, автобусларда, умуман, барча турдаги транспортда, стадионларда ва ҳатто уйда ҳам чекиш тақиқланади. Ушбу тақиқловнинг яна бир жиҳати шундаки, очик қавоқда чекиш ҳам маълум тартибга риоя этишни талаб қилади: чекаётган одам чекмаётган одамдан камиди 2 метр узоқда бўлиши шарт.

Мазкур тартибни бузганлар биринчи марта оғзаки огоҳлантирилади. Агар иккинчи марта қўлга тушса қамоқ жазоси билан жазоланади, ёки қамоқдан қутулиш учун 311 доллар миқдорда жарима тўлайди. Бу гондурасликларнинг бир ойлик маошига тенг.

Ресторан ва барларда, умуман, ёпиқ иншоотларда чекувчи қўлга тушса, нафақат у жа-



зога тортилади, балки ёпиқ иншоот соҳиблари ҳам 1 мингдан 6 минг долларгача жарима тўлашга мажбур бўлади. Агар иккинчи марта бу тақдорланса муассаса ёпилади.

Янги қонунга кўра, тамаки ва тамаки маҳсулотлари рекламиси ҳам тақиқланди. Сигарет қутиларида эса чекишдан орттирилган касалликни акс эттирувчи сурат тасвири туширилади.

Таъкидлаш жоизки, Гондурас чекишни тақиқлаган дунёдаги йигирма тўққизинчи мамлакатдир. Маълумотларда қайд этилишича, бу ерда аҳолининг 30 фоизи сигарет чекади. Ҳар ўн нафар чекувчи эса ўткир бронхитга чалинган.

Миллий матбуот марказида

БЕРИЛАЁТГАН ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР

аҳоли фаровонлигини таъминламоқда

Давлат божхона қўмитаси «Тадбиркорлар томонидан юртимизга олиб кирилатган технологик асбоб-ускуналар ва уларни тез ва қулай шарт-шароитлар асосида экспертизадан ўтказиш: муаммо, ечим ва имтиёзлар» мавзuida матбуот анжумани ўтказди.

Дарҳақиқат, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида четдан олиб кирилатган хомашёлар ва технологик асбоб-ускуналарга божхона тўловларидан имтиёзлар берилиб, экспорт-импорт операциялари таомиллари янада соддалаштирилмоқда.

Хусусан, амалдаги тартибларга кўра икки ойлик муддатга божхона тўловларини тўлашни кечиктириш ва бўлиб бўлиб тўлаш учун имконият яратилган. Ишлаб чиқарувчи корхоналарга эса экспорт маҳсулотини ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган импорт қилинаётган моддий-техника ресурслари учун қўйилган қиймат солиғи бўйича уни тўлашни фойз ундирилмаган ҳолда 2 ой эмас, балки тўқсон кунлик муддатга кечиктириш имконияти берилди.

Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик корхоналарга, фермер хўжаликлари, шунингдек, юридик шахс мақомидаги деҳқон хўжаликлари ҳам ўз эҳтиёжлари учун импорт қилаётган ускуналар, хомашё ва

моддий ресурслар учун божхона тўловлари тўлашни (божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимлари бундан мустасно) фойз ундирилмаган ҳолда тўқсон кунлик муддатга кечиктириш мумкин.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган норматив ҳужжатларга асосан четдан олиб кирилатган товарларни божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёзлар берилди.

Шунингдек, Сановат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ижроси юзасидан импорт қилинаётган хомашёлар, технологик асбоб-ускуналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бутлови буюмлари божхона тўловларидан озод қилинмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан бир қатор рухсат бериш тартиб-таомилла-

рининг бекор қилинганлиги ва имтиёзлар берилиши кичик бизнесни янада ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш имкониятини яратиб берди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига асосан, товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғимларининг амалдаги қараганда ўртача 2 маротаба камайтиришни назарда тутувчи янги ставкалари жорий қилинди.

Бундан ташқари, божхона тўловларини кечиктириб тўлашда гаров тарикасидаги товарлардан фойдаланиш учун божхона органи томонидан бериладиган рухсатнома, гаровга қўйилган товарлар ва транспорт воситаларини гаровга қўювчининг эгалигида қолдириш учун божхона органи томонидан бериладиган рухсатнома ҳамда божхона тўловлари ва улар бўйича фойзалар белгиланган муддатда тўланганидан кейин гаров нарсасини қайтариб олиш учун божхона органи томонидан бериладиган рухсатномалар бекор қилинди.

Тадбир сўнггида журналистлар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга атрофлича жавоб олди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Сурхондарё вилояти

«МУЗРОБОТ ПАХТА»

очик акциядорлик жамияти жамоаси

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ

ВАТАНИМИЗ

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

22 ЙИЛЛИГИ БИЛАН

МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

МЕҲНАТКАШ ПАХТАКОРЛАРИМИЗ,

ФЕРМЕРАЛИРИМИЗНИНГ БУ ЙИЛГИ ҲОСИЛИГА

БАРАКА-ТИЛАЙДИ!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



ИЖОДГА УНДАЁТГАН УЛУҒ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Шу муносабат билан бу ерга депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат ва маданият намояндалари, шоир ва ёзувчилар тақдирланди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулмонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайид, Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси И.Латинов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намойён этиши учун улкан имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Истиқлол йилларида Ватанимиз эришган юксак марралар, асрларга татигулик ютуқларда ижод аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, ижодкорлар бугунги маънавий-маърифий ислохотларда ҳамкорларимиз қалбига етиб боруви, уларнинг тафаккурини юксалтируви, ижтимоий фаоллигини ошируви юксак бадий-ғоявий асарлари билан фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида «Энг улуг, энг азиз» аъъанавий республика кўрик-танловини юксак савияда ўтказиш белгиланган. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган танлов «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган эзгу ғояни ўзида муржабсан этди. Ижодий танловдан

кўзланган асосий мақсад «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган олижаноб давлат истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётият манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш, ўтган йиллар мобайнида эришилган улкан марраларнинг мазмун-моҳиятини адабий, тасвирий санъат, фотография, кино асарлари, оммавий ахборот воситалари орқали кенгроқ очиб беришдан иборатдир.

Танловнинг мамлакат босқичига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 321 нафар ижодкордан истиқлолимизнинг қадр-қиммати, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, барча жаҳаларда эришаётган улкан ютуқларимизнинг аҳамияти ёрқин ва таъсирчан бадий воситалар, ҳаётини мисоллар ёрдамида очиб берилган 3200 га яқин ижодий иш тушди. Хайъат қарорига асосан 26 нафар иштирокчининг иши энг яхши деб топилди.

— Аждодларимиз асрлар мобайнида озиқиб кутган, биздек бахтиёр авлодга насиб этган мустақиллик, унинг бебаҳо неъматлари, улкан имкониятлари ижод аҳли учун бебаҳо илҳом манбаидир, — дейди «Маърифат» газетаси муҳбири Н.Мамбетирзаева. — Президентимиз раҳнамолигида халқимиз эришган барча ютуқлар замиридаги асосий омиллар



нинг мазмун-моҳиятини кенг очиб бериш, аҳамиятини барчага атрофлича тушунтириш — ижод аҳлининг асосий вазифаси. Бу каби танловлар ана шундай эзгу мақсад йўлида ижодкорлар меҳнатини ҳар жиҳатдан кўлаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Мукофотланганлар мамлакатимизда ижод аҳлини ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш, рағбатлантириш, самарали меҳнат қилиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида кўрсатаётган юксак эътибори учун Президентимиз Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди.

Ғолиб ва совриндорларга махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА муҳбири.

КУЧЛИ УЧЛИК

бошқа жамоалар билан фарқни тобора йириклаштирмоқда

«Пахтакор» футболчилари ўтган турда «Бунёдор» клуби майдонида ғалаба қозонган эди. Аммо улар 16-турда ўз майдонида «Олмалик» клубига ютқазиб қўйди. Кучли учликда бораётган клублар эса рақибларини маълумиятга учратди.



16-тур натижалари: «Локомотив» — «Гулистон» — 6:2, «Динамо» — «Насаф» — 1:3, «Сўғдиёна» — «Қизилқум» — 2:1, «Пахтакор» — «Олмалик» — 1:2, «Металлург» — «Бунёдор» — 2:3, «Нефчи» — «Бухоро» — 1:0, «Шўртан» — «Навбахор» — 1:3.

Чемпионатда «Локомотив» (39 очко), «Бунёдор» (38 очко) ва «Насаф» (38 очко) клублари пешқадамлик қилмоқда. Мусобақа жадвалида тўртинчи ўринда бораётган «Пахтакор» клубида эса 28 очко бор.

«ЛОКОМОТИВ» — «БУНЁДОР» — 0:2

Бу футбол клубларининг мамлакат кубоги ярим финалининг дастлабки ўйинида 2:2 ҳисоби қайд этилган. Кеча жавоб учрашувига «Локомотив» клуби мезбонлик қилди.

Мамлакат чемпионатида пешқадамлик қилаётган икки етакчи жамоамиз ўртасидаги ўйин кескин курашларга бой бўлди. Унда омад меҳмонларга кулиб бокди — 0:2. Шу тариқа икки ўйин натижасига кўра, «Бунёдор» футболчилари мамлакат кубоги финалига чиқди.

Бугун Қаршида ярим финалнинг иккинчи жавоб учрашуви «Насаф» ва «Пахтакор» футболчилари ўртасида бўлиб ўтди. Бу жамоалар ўртасидаги дастлабки ўйинда ҳисоб очилмаганди.

Асрор МҮМИН

2013 йил — Обод турмуш йили

Коммунал инфратузилма яхшиланиб, аҳоли фаровонлиги ошмоқда

Бугун пойтахтимиз уй-жой фонди қарийб 14 мингта уйни ўз ичига олган бўлиб, шунинг 9 мингтаси кўп қаватли уйлاردир. Уларнинг ҳар бири алоҳида хизмат кўрсатиш ва самарали бошқаруви талаб қилади. Буни эса фақат уй-жой мулкдорларининг ўзи таъминлаши мумкин. Истиқлол йилларида уй-жой соҳасида амалга оширилган ислохотлар фуқароларга уйга эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни ва Уй-жой кодекси билан кўп квартиралар уйларида турар-жой биноларининг янги мулкдорлари синфини шакллантиришнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди.

Бу уй-жой мулкдорларига бирлашиш ва мулкни самарали бошқариш имконини яратди. Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонунида уй-жой мулкдорлари ширкатларини (ХУМШ) шакллантириш тартиби, уларнинг ҳуқуқий мақоми, давлат, ХУМШ аъзоларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, бошқа масалалар белгилаб қўйилди. Айни пайтда фақат Тошкент шаҳрининг ўзида уч мингдан зиёд ХУМШ фаолият кўрсатмоқда. Улар биноларни асосан кўп қаватли уйларида яшайдиган аҳолининг ўз маблағи ҳисобидан бу уйлارга биргаликда хизмат кўрсатишга жалб қилиш орқали бошқариш, сақлаш ва таъмирлаш билан шуғулланмоқда.

Ширкатимиз Тошкент шаҳридаги энг намунали ширкатлардан бири, — дейди Юнусобод туманидаги «Аъло марварид коммунал» ХУМШ директори Мавжуда Бойсунова. — Айни пайтда учта кўп қаватли уй, 237 квартирага хизмат кўрсатмоқдамиз. Ўтган йили томлар тўлиқ таъмир-

ланди, подъездларга код билан очиладиган қулфли темир эшиклар ўрнатилди. Бу йил ҳам ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Бир қанча подъездлар таъмирланди, 108 квартира домофонлар билан жиҳозланди. Яқин вақт ичида йўлларни асфальтлаймиз.

Ширкатлар коммунал хизмат кўрсатиш тизимида бошқарув компанияларини маълум кўрсатиш. Кўп қаватли уйлар ва улар олдидagi худудлар умумий мулкни сақлаш бўйича хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган дастлабки бошқарув ташкилотлари 2005 йилда ташкил этилган эди. Ўтган вақт давомида улар коммунал хизматлар бозорига самарали фаолият юритиб келмоқда. Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 10 февралда қабул қилинган «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Бугун пойтахтимизда мингта яқин профессионал бошқарув компанияси ва хизмат кўрсатувчи ташкилот мавжуд. Улар ширкатларга умумий мулкка хизмат кўрсатиш ва маблағни бошқаришни тақдир этмоқда. Ушбу йўналишдаги ишлар қатъий жалб асосида амалга ошириладиган: ишлар ҳажмининг ширкатларнинг ўзи режалаштириб, компания билан шартнома асосида муносабат ўрнатмоқда. Бундай шартнома тузишда мутахассислар томонидан мулкнинг техник ҳолати баҳоланиб, устувор йўналишлар белгилаб олинмоқда, техник ва санитар хизмат кўрсатишга доир ишлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги «Хумоюн коммунал сервис» компаниясини ана шундай

намунали бошқарув компанияларидан бири дейиш мумкин. Компания кўп квартиралар уй-жой мулкдорлари умумий мулккага хизмат кўрсатишда катта тажрибага эга. Ҳозирги кунда компания билан шартнома тузган 38 та кўп квартиралар уйдаги хонадон эгалари унинг хизматларидан фойдаланмоқда. Компания мутахассислари умумий ҳисобда 1,5 мингта хонадонга хизмат кўрсатади.

Тошкент шаҳар Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси бошқаруви раиси Алишер Набиевнинг айтишича, айни пайтда фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил қилинаётган профессионал бошқарув компанияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шу йилнинг беш ойида ушбу мақсадлар учун имтиёзли шартлар асосида кредит шаклида 8,5 миллиард сўм ажратилди, имтиёзли лизинг асосида 65 турдаги махсус техника ва махсус восита ҳамда ускуналар билан жиҳозланган 85 та «Дамас» автомобилли хизмат қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, пойтахтимизда коммунал соҳа ва санитария аҳолини яхшилаш нафақат кўп қаватли уйлارга яхши хизмат кўрсатиш ва уларни самарали бошқариш, балки турар-жой дахалари худудларини ободонлаштиришга ҳам боғлиқдир. Жорий йил бошидан буён ўттизта намунали маҳаллада туманлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ширкатлари билан ҳамкорликда 200 га яқин кўп қаватли уйнинг олд томони ва 10 мингта подъезд таъмирланди. Подъездларга 300 дан зиёд темир эшик ва 8,7 мингдан ортиқ қулф ўрнатилди, қирқта усти очик автомобиллар турар жойи ва 109 болалар ўйин майдончалари барпо этилди.

М.МАМЕТОВА,
ЎзА муҳбири.



Ғалабалар ҳали олдинда



Суратда: Рефат Гирфанов.

Хитойнинг Нанкин шаҳрида давом этаётган ўсмирлар ўртасидаги 2-Осиё ўйинлари қизгин паллага кириб бормоқда.

Осиё ўйинларининг дастлабки кунларида дзюдочиларимиз эришган муваффақиятларини мерганларимиз давом эттиришди. 10 метр масофадаги нишонга пневматик тўппончодан ўқ отиш мусобақасида ҳамюртимиз Рефат Гирфанов 174,7 очко жамғариб, бронза медалига сазовор бўлди. Бу ўсмирларимизнинг нуфузли мусобақадаги олтинчи медалидир.

Ҳозирча спортчиларимиз битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медаллари билан тақдирланди.

(Ўз муҳбиримиз)

Реклама

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

2013 йилнинг 28 августида Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси биносида миллий валютадаги «Шодиёна» мuddатли омонати бўйича пулли ютуқлар тиражи ўтказилишини маълум қилади ва Миллий банк омонатчиларини ушбу тиражда қатнашишга тақдир этади.

Жамғармалари бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com

(Давоми. Боши 1-бетда.)

МУАССИС:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonani manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846

10561

naxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.10

Topshirilgan vaqti — 01.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatches:

Asror MO'MINOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

7720107633004

1 2 3 4